

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ СОЗАНДАЛАР САНЪАТИДА ДОИРА ЧОЛҒУСИННИНГ ЎРНИ

CIRCLE IN THE ART OF UZBEK NATIONAL MUSICIANS COLLECTION HPNI

Abroirmirza Juramirzaev Anvarjon oglu,
student of Vocal Arts, Faculty of Art History, Fergana State University,

Shohida Ataboeva Juraevna,
teacher of Vocal and Instrumental Department.

Абрормирза Журамирзаев Анваржон ўғли

Фарғона давлат университети Санъатшунослик факултети Вокал санъати йўналиши
талабаси,

Шохида Атабоева Жураевна

Вокал – Чолғу кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек миллий чолғучилик санъати ҳақида фикр юритилиб, ўзбек миллий мусиқа ижрочилигида доира чолғусини тутган ўрни, шу билан бир қаторда доира чолғусининг келиб чиқиш тарихи ва доира чолғуси орқали ўзбек мусиқа маданиятида из қолдирган Уста Олим Комилов тўғрисида фикр юритилган.

Калитсўзлар: Урма зарбли чолғу, бамбук, қамиш, сурнай, қўшнайн, хуштак, шикилдиқоқлар, арфа, лира кифаралар, доира, рубоб, гижжак, қобуз, карнай, ногора, чиндовул, қайроқ, сафоил, резноғора, дул.

Annotation: This article focuses on the art of Uzbek national instrumentation, the role of the circle instrument in Uzbek national music, as well as the history of the origin of the circle instrument and the role of Olim Komilov in Uzbek musical culture through the circle instrument.

Keywords: percussion instrument, bamboo, reed, trumpet, neighbor, whistle, bells, harp, lyre, doira, doira, rubob, gijjak, kobuz, karnay, nogora, chindovul, kayrak, safoil, reznogora, dul

Инсоният ҳаётининг мазмуни унинг ижодиёти маҳсули билан ўлчанади. Қайси халқнинг ўтмиши узоқ, маънавияти бой, мероси чексиз бўлса, албатта бу халқнинг истиқболи Буюк, келажак авлоди эса баркамолдир. Ижод ҳаётни гўзаллаштирувчи, олам сиру-асрорларини очувчи, инсоният тафаккурини англлатувчи неъматдир. Ўзбекистонда эркин

фуқаролик жамияти қурилатган бир пайтда, миллий санъатимизнинг барча турларида бўлгани каби, созанда-лик санъатининг ўзига хосликларини сақлаб қолиш, ривожлантириш, янгича тус бериш борасида устоз созандалар бизларга қолдириб кетган номоддий мерослари асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбек халқ чолғуларида замонавий ижрочилик санъати ўз тараққиётининг кўп асрлик анъаналарини мерос қилиб келмоқда. Халқ чолғу ижрочиличигида чолғуларни ўрни бекиёс-дир. Адабий манбаларда эътироф этилишга кўра дастлабки мусиқа чолғулари эрамиздан аввалги XIII минг йилликда дунёга келган деб тахмин қилинади¹.

Мусиқачиликда дастлаб урма зарбли чолғулар пайдо бўлган. Кейин-чалик шовқинли чолғулар пайдо бўлган. Ижрочилар қарсақ чалиб ритмни таъкидладилар, шовқинли чолғулар таъсирини кучайтирдилар. Кейинроқ халқ усталари томонидан қамиш ёкин бамбук поясидан сурнай, хуштак, яна бироз ўтгач най (бўйлама, кўнгдаланг, кўп йўлли), найсимон хуштаклар, шиқилдироклар, чилторлар (арфа, лира) ва кифаралар ясалди. Вақтлар ўтиб у чолғулар янада такомиллашиб найлар юзага келди. Сўнграқ торли мизробли ва торли камончали мусиқа чолғулари пайдо бўлди. Қадимги Шарқ маданияти ривожланишида ўзбек халқ чолғулари шаклланди. Улар кўп асрлик тараққиёт давомида ўзига хос хусусиятларини товуш тусини сақлаб қолди. Ўзига хос тузилиши туфайли най, сурнай, танбур, дутор, доира, рубоб, гижжак, қобузлар анъанавий шаклларда бизгача етиб келди. Ўша пайтда бу бир неча дамли, яъни карнай, сурнай ва урма зарбли чолғулар, яъни ногора, чиндовул асбобларнинг биргалик чалинишидан ҳосил бўлган.

Ўзбек халқининг ранг-баранг санъат турлари орасида мусиқа санъати ўзининг оҳанграбо, нақшинкор, оташин наволари билан бутун оламни ўзига мафтун этган ва мафтун этиб келмоқда. Ўзбек мусиқа санъати чаманида қанчадан қанча созанда-ю хонандалар ўзларининг бетакрор заргарона ижод-лари билан мана бир неча авлод ўрганиб келатган бебаҳо мерос қолдир-дилар. Бу мерос авлоддан авлодга ўтиб, тобора сайқал топиб санъатга ошуфта ёш авлод учун қўлланма вазифасини бажармоқда. Ўтмишда яшаб ижод қилган санъаткорлар яратган асарлари, улар асос солган мактаб ҳозирги авлод томонидан иштиёқ билан ўрганилмоқда, уларнинг ҳар бир ўғити, айтган устозона хикмат сўзлар ўсиб келатган ёш авлод учун пойдевор вазифасини ўтамоқда десак, муболаға бўлмайди. Ўзбек халқ мусиқа санъатини доира чолғусисиз, унинг жозибали усулларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Катта йиғинлар, тўй-томошалар, тантаналар, хонандаларнинг хониши, раққо-саларнинг хироми, созандаларнинг нағмаларига, албатта, доира жўр булади. Агар узокдан доира садолари эшитилса, билингки, шу ерда қандайдир тан-тана, хурсандчилик бўляпти².

Доира уриб чалинадиган чолғу асбоби бўлиб, “дап”, “чилдирма”, “чирманда” деб ҳам аталади. У аниқ бир баланд товушга эга бўлмаса ҳам, хилма-хил овоз-тембр ва динамик имкониярларига эга. Доира “ногора”, “қай-рок”, “сафоил”, “резногора”, “дул” каби уриб чалинадиган чолғу асбоблари туркумига мансубдир. Бу асбоб аниқ бир баланд овоз чиқармайди. Мусиқий қатор тембрли оҳангдорлигини, ритмик-динамик фоннинг бутун хилма-хил-лиги икки қўлнинг зарби ва ҳамма бармоқларнинг иштирокини таъминлайди. Доира садолари ўзига хос мазмунга эга, у яқка ижро этилганда, рақс жўрли-гида яхши қабул қилинади. Доира чалишни ўрганувчи киши соғлом ва бақувват бўлиши лозим. Бунинг учун ижрочи доира чалишни ўрганиш маш-ғулотлари билан бир қаторда жисмоний тарбия, гимнастика, гантел ва спорт-нинг бошқа турлари билан шуғулланиши лозим. Маш-ғулотларнинг ҳамма турларида бармоқлар ва қўл мускулларини мустаҳкамловчи машқларга ало-ҳида эътибор қаратмоғи лозим. Доирачи ўз

¹А.Одилов. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи.

²С.Маннопов. Навобахш оҳанглар.

бармоқларини айникса, парвар-иш қилиши зарур. Бармоқлар ёрилмаслиги ва қадок бўлмас-лиги учун доира чалишдан олдин ва кейин озгина туз солинган илиқ сувда кўлни совунлаб ювиш мақсадга мувофиқдир.

Доира ўзбек халқ мусиқаси тажрибасида ўзига хос жўр усулини яратиб ансамблнинг барча турларида қатнашади. Ўзбек мусиқа санъатининг рақс жанрида доира мустақил суратда чалинади. Шунингдек доира ҳам замонавий профессионал, ҳам хаваскорлик оркестрлари ва халқ чолғу ансамбллари тар-кибидан мустақкам ўрин олган. Доира ёғоч гардишдан иборат бўлиб, бир томонига тери қопланган, унинг ички томонига метал халқачалар “шин-ғироқлар” ўрнатилган. Доира гардиши одатда тут, ёнғок, ток пояси ва заранг дарахтидан ишланиб, гардишнинг диаметри тахминан 38 см дан 41 см гача, қалинлиги эса 5-6 см бўлади. “Парда” мембранаси эса от, бузоқ, эчки тери-сининг тўш қисмидан, баъзи ҳолларда эса балиқ терисидан ҳам тайёрланади. Мембрана гардишга махсус елим билан ёпиштирилади³. Ички томондан эса 50-75 тагача метал халқачалар ўрнатилади, улар асбоб силкитилганда ёқимли шинғироқ товуш чиқаради. Доира бир тембр усул билан чегараланувчи бошқа уриб чалинадиган чолғу асбобларидан фарқли ўлароқ, кўп миқдорда тембр воситаларига эга. Доира ва унинг тасвири ҳақидаги маълумотлар X асрдан бошлаб кўпгина адабий ва иконографик манбаларда учрайди. Даст-лабки доира тасвирига кўра шакли жиҳатидан тоғли тожикларнинг доирасига гардишдаги тешикчаларига ликопчасимон шинғироқлар ўрнатилган “даф”га анча яқин туради. Ритмика ҳақидаги таълимот ва унинг бир қисми бўлган ритмик фигурациялар – усуллар ҳақидаги таълимот Ўрта Осиёнинг атоқли олимлари мусиқа бўйича ёзган кўпгина трактатларда катта ўрин тутади. Масалан, А.Жомийнинг “Мусиқа ҳақидаги трактати” ва XVII асрдаги бухоролик мусиқачи Даврвеш Алининг асарларида маълумотлар келтирилган. Шарқдаги кўпгина мамлакатларда Хиндистон, Эрон, Покистон, Озар-байжон, Тожикистонда ҳозир уриб чалинадиган доирасимон асбоблар учрай-дики, улар рақсга, кўшиққа жўр бўлиб чалинади. Доира садолари Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларининг уриб чалинадиган асбоблар гуруҳи иштирокида ижро этилади. Шунинг учун ҳам бизнинг доирачиларимиз ижроси бутун дунё томошабинларини ҳайратга солади. Доира мусиқаси илгари нота ёзувига эга булмаган, шу сабабли оғзаки равишда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Доиравий мусиқани қайд қилиш билан ўтган асрнинг XX асрнинг 1980 йилларида харбий капелмейстр А.Ф.Эйхгорн, 1920-1930 йилларда мусиқа санъатининг кўзга кўринган вакиллари В.М.Беляев, В.А.Успенский, Н.Н.Мироновлар шуғулланганлар, улар ўз қайдларида асо-сан ритмик томонини акс эттирганлар⁴. Доира мусиқасининг тўлиқ ишлан-ган, тембрининг бой, рангли томонларини очиб берган шакл Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, давлат мукофоти лауреати, профессор А.И.Петросянц шаклидир. А.И.Петросянц овоз эффектларининг тембрли ва динамик белгилари тизимини ишлаб чиққан бўлиб, бундай эффектларга доира чалишни ўрганиш жараёнида эришиш мумкин. Ҳозирги вақтда доира чалишга ўргатиладиган ҳамма кўринишлар профессор А.И.Петросянц шакли-дан фойдаланилади.

Ўзбекистонда мусиқа асбобларининг кўп хил бўлиши, чолғу ансамбл-ларининг ҳам ҳар хил бўлишига олиб келди. XX аср бошларида Хоразмда чангчи ва ғижжакчи Қаланадар Дунмас, дуторчи. Машраб Қамбар, танбурчи Матёқуб Харратов, Бухоро танбурчиларидан Отағиёс, Абдуғани ва Ҳожи Абдурахмон Умаровларнинг номлари шуҳрат қозонган. Фарғонада кўплаб ажойиб халқ санъаткорлари етишиб чиқди. Булар орасида ўзбек мусиқа санъ-атида ижрочилик маҳорати билан ўчмас из қолдирган атоқли доирачиси Уста Олим Комиловдир.

³Д.Исломов. Махсусв чолғу.

⁴У.Раҳмонов.А.Эргашев. Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа.

Уста Олим Комилов 1875 йили Марғилон шаҳрида туғилган. У созанда сифатида доира, ноғора, чанг чолғуларини чалиб ном чиқарган. Миллий куй, усул ва рақслар билимдони, педагог, ўзбек сахнавий рақс санъатининг асос-чиларидан, 1932 йили Меҳнат Қаҳрамони, 1937 йили Ўзбекистон халқ артис-тидир. Дастлаб доира чалишни Марғилонда Масаид отадан ўрганган. Илк Марғилон яллагилари, созандаларга жўрнавозлик қилиб, тўй, сайил, кейин-чалик чойхоналарда хизмат қилди. 1929 йилдан Ўзбек давлат мусиқали театрида, 1939 йилдан Ўзбек давлат опера ва балет театрида доирачи, 1926-1943 йиллари рақс студиясида дарс берган. Уста Олим Комилов ўзбек рақс санъати ривожига катта ҳисса қўшган. У тўплаган ва ўзи яратган ўзбек рақси усуллари раққосалар учун асосий қўлланма бўлиб қолди. Уста Олим Комилов Тамарахоним ва М.Турғунбоева каби раққосалар устозидир. Тамара-хоним билан ижодий ҳамкорликда қадимий ўзбек рақсларини сахналаш-тирган, уларнинг айримларини раққосалар ансамбли ижросига мослаштирган. Жумладан “Занг”, “Даромади гул ўйин”, “Гул ўйир”, “Садр”, “Пилла” кабиларни мисол қилиб келтириш ўринлидир⁵. М.Турғунбоева билан “Пахта”, ўз томонидан “Тантана” рақсларини яратган. “Фарҳод ва Ширин” Хуршид пьесаси асосида В.Успенский ва Г.Мушель мусиқасига, К.Яшин, М.Муҳамедов пьесаси ва Р.Глиэр мусиқаси асосида “Гулсара” спектакл-ларига рақс сахналаштирган. Н.Рославец мусиқаси билан “Пахта”, Ф.Таль мусиқаси билан “Шоҳида” балетларини сахналаштиришда қатнашган. Уста Олим Комилов ижросидаги халқ доира усулларининг В.Успенский ва Е.Романовская томонидан ёзиб олинган асарларини кўпи Илёс Акбаров томонидан 1952 йили “Доира усуллари” китоби чоп этилган. Уста Олим Комиловнинг ижро услуби зарблар жилвадорлиги ҳамда тембр воситаларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Т.Иноғомов, К.Азимов, А.Тўйчиев кабилар доирачиларга устозлик қилган. Шуни ўрни келганда айтиб ўтиш жоизки, 1930 йил Москвада ўтказилган миллий театрлар олимпиадасида, 1937 йили ўзбек санъат декадаси қатнашган. Уста Олим Комилов доиранинг бой ифода имкониятларини чет мамлакатларда ҳам намоёниш қилган. 1935 йил Англия пойтахти Лондон шаҳри. Муҳташам томошагоҳда жаҳон халқ-ларининг санъат фестивали ўтказилган. Ўзбекистонлик санъаткорлардан Тамарахоним ва Уста Олим Комиловларга навбат берилганда, Уста Олим Комилов чалган доирага Тамарахоним “Пилла” рақсига тушиб томошабин-ларни лол қолдирган. Қарсақлар садоси остида яна сахнага таклиф қилина-дилар. Кейинги чиқишларида “Пахта” рақсини ижро этганлар. Томошабин-лар оёқларида қалқиб туришиб, иккала санъаткорни олқишлаганлар, бутун томошагоҳни ларзага келтиргани ҳозирги кунда тарих манбаларидан барча-мизга маълумдир. Ижродан сўнг олди қаторда ўтирган Буюк Британия киро-личаси Мария Ложалон сахнага чиқади. Уста Олимнинг доирасини қўлига олиб кўради. Доира созидан юракни тўлқинлантирувчи садо чиқарган панжаларни мўъжиза деб атайди. Ушбу мўъжизакор панжалардангипсга нусха олиб, Лондон музейига қўйишга фармон берган. Ўзбек санъаткорларига қойил қолган қиролича ўз қўли билан Уста Олим Комилов ва Тамарахонимга фестивалнинг “Олтин медали”ни тақиб қўйган. Уста Олим Комиловнинг бу панжа нусхаси ҳозиргача Лондон музейида сақланмоқда⁶.

Мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги туфайлик барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар қаторида мусиқа ижрочи-лик санъатга бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Ҳозирги айти пайтда созандалик санъати оддий мусиқий жараён бўлиб қолмасдан, миллий ижрочилик ғояси асосида шаклланимоқда ва миллий-маданий

⁵К.Олимбоева, М.Аҳмедова. Ўзбек халқ созандалари.

⁶К.Олимбоева, М.Аҳмедова. Ўзбек халқ созандалари.

юксалишини таъминлашда муҳим омил сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бинобарин, созандалар санъати ёрдамида маънавий баркамол инсонни шакллантириш ғояси эндиликда шаклан ва мазмунан бойимоқда.

Адабиётлар.

1. Ю.Ражабий, И.Акбаров. Ўзбек халқ мусиқаси. I-II-III томлар. Тошкент. Ўздавнашр. 1955 йил.
2. К.Олимбоева, М.Аҳмедова. Ўзбек халқ созандалари. Тошкент. 1959 йил.
3. А.Одилов. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. Тошкент. Ўқитувчи. 1995 йил.
4. И.Акбаров. Мусиқа луғати. Тошкент. Ўқитувчи. 1997 йил.
5. С.Маннопов. Сўнмас наволар. Фарғона. 2003 йил.
6. С.Маннопов. Навобахш оҳанглар. Тошкент. 2018 йил.
7. У.Раҳмонов. А.Эргашев. Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа. Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги. 2021 йил.